

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

298 Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2137

(2010 йил 6 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 230-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2010 йил 1 августдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминлашлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2009 йил 16 декабрдаги 13, 80Қ/Қ, 116-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2057, 2009 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2009 й., 52-сон, 581-модда) қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 16 август,
1-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 16 август,
152/1-ҚҚ-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 16 август,
66-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни мувофиқ-
лаштириш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда
Молия вазирлигининг 2010 йил 16 августдаги
1, 152/1-ҚҚ, 66-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон
қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига
фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг
илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи
илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар
ходимларининг базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	698 932
	фан доктори	670 536
	фан номзоди	642 296
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, инс- титут ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	642 296
	фан доктори	619 476
	фан номзоди	591 762
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабо- раторияси (бўлими) мудири	
	фан доктори ёки профессор	619 476
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	591 762
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	569 095
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	591 762
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	569 095
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	546 304
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	591 762
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	569 095
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	546 304
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	569 095

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	546 304
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	519 342
	Катта илмий ходим	
7.	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	519 342
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	492 688
	илмий даражага эга бўлмаган	466 627
	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	492 688
8.	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	466 627
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	440 784
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	388 907